



Mardlar qo'riqlaydi Vatanni

GVARDIYA

IJTIMOIIY-HUQUQIIY VA MA'RIFIY GAZETA

№ 47 (257)

21-noyabr 2025-yil



“ВАТАНИМ, БАЙРОҒИМ — ШОНУ ШУҲРАТИМ!”

Тарихий манбаларга эътибор берсак, ўзбек давлатчилиги милoddan avvalgi 1-мингйилликнинг биринчи ярмидан бошлаб то Амир Темур давлатимиз тепасига келгунга қадар деярли 2100 йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу улкан давр ичида давлатимиз бошқарувига турли сулолалар (бугунги тилда айтганда сиёсий партиялар) келиб кетди. Уларнинг фаолияти турли замонларда, турли объектив-субъектив шарт-шароитларда турлича кечди.

— Биринчидан, биз Амир Темур давлати, Темурийлар давлати каби кенг тарқалган тушунчаларга қаршимиз, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Азамат Зиё. — Зеро, давлатчилик асослари ягона бўлади. Демак, Амир Темур давлати эмас, ўзбек давлатчилигининг Амир Темур бошқарган босқичи дейилса ҳар тарафлама ҳақиқатга мос тушади. Иккинчидан, Амир Темур давлати

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” ДА ДАВЛАТ ВА АРМИЯ БОШҚАРУВИ

тушунчаси давлатчилигимизнинг ҳам унганча бўлган, ҳам ундан кейинги тараққиёт йўлини узиб қўяди (бу фикр бошқа сулолавий давлатларга ҳам тегишли, албатта). Бу ўз ўрнида, бир томондан, тарихни сохталаштира, иккинчи томондан, давлатчилигимиз тарихидаги босқичий жараёнлар, масалан, яна ўша Амир Темур даври моҳиятини англашни қийинлаштиради. Учинчидан, биз ўзбек давлатчилиги моҳияти ва имкониятлари ҳақида қанчалик сўзламайлик, агар унинг амалий ифодасининг гувоҳи (бугунги кун нуқтаи назаридан эса курувчиси) бўлмас эканмиз, гап-гаплигича қолаверади. Шу маънода Амир Темур даври давлатчилигимизнинг моҳияти ва имкониятлари кўламини амалда юзага чиқариб бергани билан ҳам муҳим.

Тарих — бу ўтмиш хазинаси. Лекин бу хазинада энг қиммат

нарсас олтин ҳам, тилла ҳам эмас. Энг ноёб неъмат — халқларнинг асрлар давомида йиғилган ақли, тажрибаси ва донолигидир. Марказий Осиё тарихида шундай бир мерос борки, у нафақат бир давлат ёки бир даврнинг тарихи, балки бутун инсоният учун ўрнатилган бўлишга қодир. Бу — “Амир Темур тузуклари”.

Бу асар, бу ердаги ҳар бир сатр, ҳар бир банд — фақат қонун жамланмаси эмас, балки улкан давлатни қандай қуриш, уни қандай бошқариш ва қандай ҳимоя қилиш кераклиги ҳақидаги ҳаётий дастурдир. Амир Темур ўз даврининг энг кучли давлатини айнан шу тузуклар асосида қурди. Қудрати билан дунёни ларзага солган, шу билан бирга адолатни ҳам унутмаган саркарда сифатида у бизнинг бугунги кун кучли

Давоми 2 саҳифада »

Ушбу сонда:



Дўстона ҳамкорлик алоқалари
мустақамланмоқда



Глобал хавфсизлик муҳим масала



Жанговар тайёргарликлар
рақамли бўлади



» Бошланиши 1-саҳифада

давлатчилик ҳақидаги тасаввурларимизга улкан ҳисса қўшган.

Нега бу асар ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган? Нима учун “Тузуқлар”ни ўрганиш, улардан ибрат олиш замонавий жамият ва давлат учун ҳам муҳим? Бу саволларга жавобни излаш — бизни нафақат тарихга, балки келажакка ҳам олиб боради.

Амир Темур давлатни қуришни буюк меъморнинг бино қуришига қиёслайди. Бино қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг пойдевори шунчалик мустаҳкам, ҳисоб-китоби эса аниқ бўлади. “Тузуқлар” эса шубҳасиз ана шу пойдеворнинг ўзи.

Амир Темурнинг фикрича, подшоҳ нафақат ҳукмдор, балки ватан хизматкори бўлиши керак. У халқ оғирини енгил қилиш, адолатни қарор топтириш, ҳар бир ишни маслаҳат билан қилишни катта масъулият деб билади. Жумладан, Амир Темур шундай дейди: “Подшоҳнинг адолати кўп бўлса, халқнинг муҳаббати кўп бўлади”. Бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам бу фикр ўткир аҳамиятга эга. Қайси давлатда раҳбар адолатли бўлса — ўша ерда барқарорлик, ривожланиш ва бирлик бўлади.

“Тузуқлар”да ҳар бир амалдор, ҳар бир мансабдор ўз вазифасини аниқ билиши шарт. Ҳеч ким ўз вазифасидан четга чиқмаслиги, бировнинг ишига аралашмаслиги — Темурий бошқарувининг асосий тамойилларидан.

Амир Темур қонун устуворлиги ва адолатни давлатнинг энг катта қадрияти деб атаган. Порахўрликка қарши қатъий жазо, амалдорларнинг халқ олдидаги жавобгарлиги, суд ишларининг холислиги, булар давлатни бирлаштириб турган асосий қоидалар эди.

Жараён

Миллий гвардия Андижон вилояти бошқармаси томонидан олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган “Қалқон” жамоатчилиги гуруҳи аъзолари учун “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилди.

Тадбир қатнашчилари бошқарманинг турли бўлинмалари фаолияти, уларнинг хизмат вазибалари ва амалий иш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, замонавий техник

“ТЕМУР ТУЗУҚЛАРИ”ДА ДАВЛАТ ВА АРМИЯ БОШҚАРУВИ



АРМИЯ — ДАВЛАТ ҚУДРАТИ

Дунёга маълуми, Амир Темур ўз замонасининг энг кучли армиясини яратган. Лекин бу куч фақат кўшин сони ёки қурол-аслаҳа билан эмас, балки интизом, бирлик ва руҳий қудрат билан белгиланган. Армия ҳақида фикр келтирилар экан, хусусан, “Тартибсиз кўшин — нурсиз кўзга ўхшайди.” дейилади “Тузуқлар”да. Ҳақиқатан, тартиб бор жойда ғалаба бўлади. Темур кўшинларининг кучли экани ҳам айнан шу интизом, аниқ тизим ва қўмондонлик тизимига боғлиқ эди.

Амир Темур кўшинни 10 лик, 100 лик, 1000 лик, 10 000 лик қисмларга бўлинган. Ҳар бирининг масъули бирлик ва жавобгарлик асосида тайинланган. Бундай

тизим бугунги замонавий армияларда ҳам мавжуд — бу унинг ўлмаслиги ва тажриба сифатида қимматини кўрсатади.

Буюк саркарда сарбозларни танлашда жисмоний куч баробарида руҳий жасоратга алоҳида эътибор қаратади. Амир Темур талабига кўра, сарбоз, жасур, бағрикенг, садоқатли, тартибли ва энг муҳими руҳан кучли бўлиши шарт эди. Унингча,

армиянинг асосий қудрати кўрқмаслик ва вафодорликда бўлган. Бугун ҳам ҳарбий соҳада руҳий тайёргарлик катта аҳамиятга эга эканини кўриб турибмиз.

ТЕМУР СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИ

Амир Темурнинг энг катта кучларидан бири — кенгашлар ташкил этиши, саркардалар фикрини тинглаши ва ҳар бир жангга пухта тайёргарлик кўришида эди. Айни масалада “Тузуқлар”да “Бир одамнинг ақлидан кўп ақлли инсонларнинг маслаҳати афзал”, дейилади. Бугунги ҳарбий стратегиялар ҳам консултация, таҳлил ва жамоавий қарор асосида қурилади — бу Темур тамойилларининг замонавий акси, албатта. “Тузуқлар”да шунингдек,

ҳар бир юришнинг аниқ тартиби белгиланган. Душманни уч қисмга бўлиб ҳужум қилиш, захира кўшинларнинг олдиндан тайёр қилиниши, кўшиннинг қунлик тартиби, жазо ва мукофотнинг аниқ мезонлари юқоридаги фикрларимиз дилили бўла олади. Буларнинг барчаси Темур армиясининг мағлубиятсиз юришларига асос бўлган.

ДАВЛАТ ВА АРМИЯНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Темурий давлатида давлат ва армия бир-бирига таянадиган икки устун эди. Амир Темурга кўра: “кучли армиясиз давлат бўлмайди, адолатли давлатсиз армия қудратли бўлмайди”. Шу боис у ҳарбий қудратни сиёсий барқарорлик ва халқ розилиги билан уйғунлаштира олган.

Агар давлат адолатсиз бўлса, армия руҳдан айрилади.

Агар армия кучсиз бўлса, давлат хавфда қолади. Амир Темур шу икки бўғинни битта занжир каби бирлаштира олди.

Табиий савол туғилади, “Тузуқлар” бугунги Ўзбекистон учун ҳам дарсми? Албатта, чунки бугунги Ўзбекистон ҳам кучли давлат, кучли армия ва адолатли жамият барпо этиш йўлида бораётган бир пайтда Амир Темур тамойиллари янада долзарб бўлиб бормоқда.

Амир Темур адолатни давлат бошқарувининг асосий мезони деб билган. Бугунги кунда мамлакатда коррупцияга қарши кураш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматини профессионаллаштириш,

амалий қадамларида ҳам ана шу тамойиллар ижодий давоми кўринади.

Ўзбекистон армияси ҳозир Марказий Осиёда энг қуролланган ва етук армиялардан бирига айланиб бормоқда. Бу жараёнда Темурий ҳарбий анъаналардан ибрат олиб келинаётгани яққол сезилади. Айниқса, руҳий тайёргарлик, садоқат, ватанпарварлик, интизом каби Темур кўшини намуналари яққол кўриниб туради. Амир Темур қурган армия ҳам ана шу тўртта тайанчга суянган эди.

“Тузуқлар” фақат тарих эмас, бу ҳали ҳам амалдаги билимлар китоби саналади. Унда раҳбарлик маданияти, жамоа билан ишлаш, стратегия белгилаш, халқ билан мулоқот, қонун устуворлиги каби масалалар ўчмас ўғит сифатида ёритилган. Бугунги давлат хизматида ҳам ана шу ғоялар ўз ифодасини топмоқда.

Амир Темур тузуқларини ўрганиш бизга фақат ўтмишни билиш эмас, балки у бизни раҳбар сифатида қандай бўлиш керак, халқ билан қандай муомала қилиш керак, армияни қандай тарбиялаш керак, адолатни қандай қарор топтириш мумкин, давлатни қандай барпо этиш зарур каби саволларга жавоб топишга ундайди. Зеро, Темурнинг ҳаёти фақат жанглار тарихи эмас, балки давлатчилик мактабидир.

“Амир Темур тузуқлари” бизнинг тарихимиз, фахримиз ва келажак учун ҳисоб-китобли дастуримиздир. Унга назар солар эканмиз, бир нарсани англаймиз: кучли давлат, кучли армия, адолатли жамият, булар бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Амир Темур давлати шунга мисол.

Бугунги ўзбек давлатчилиги ҳам шу йўлдан бормоқда. Шу боис “Тузуқлар”ни ўрганиш тарихни ўқишгина эмас келажакни қуриш ҳамдир.

Нуриддин
УБАЙДУЛЛАЕВ,
“Гвардия” мухбири

ВАТАН “ҚАЛҚОН”ЛАРИ

хизматчилар томонидан хизмат машғулотлари, позицияда ҳаракатланиш, фавқулодда ҳолатларда тезкор чора кўриш каби кўникмалар бўйича амалий чиқишлар намоёиш этилди.

Бундай тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фаол иштирокини таъминлаш, уларда Ватанга садоқат, жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъулият ҳиссини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.



воситалар, махсус жиҳозлар, тезкор ҳаракатланиш учун мўлжалланган транспорт воситалари ҳамда хавфсизликни таъминлашда қўлланиладиган замонавий ускуналар ҳақида амалий кўргазмалар намоёиш этилди.

Тадбир давомида “Қалқон” гуруҳи аъзолари Миллий гвардиянинг хизмат анъаналари, тартиб-интизоми, жамоавий ҳамкорлик ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлдилар. Уларга ҳарбий



Саудия Арабистони Подшоҳлиги Миллий гвардияси вазирлиги Ҳарбий аппарат бошлиғи, генерал-лейтенант Солиҳ бин Абдурахмон ал-Ҳарбий бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Меҳмонлар Миллий гвардия кўмондони, генерал-майор Р.Джуроев томонидан Марказий девонда муносиб кутиб олинди. Мазкур учрашув ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Даставвал, делегация аъзолари Миллий гвардия тарихи музейига ташриф буюриб, тизим тарихига оид бой маълумотлар, экспонатлар ва гвардиянинг шаклланиш босқичлари билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг, икки томон ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Учрашувда соҳадаги тарихий ва бугунги кундаги замонавий вазибаларнинг ўхшашлик жиҳатлари муҳокама қилиниб, истиқболли режалар ҳамда ҳамкорлик механизмлари юзасидан фикр алмашилди.

Хусусан, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги вазибалар, ҳар икки давлатда тарихий обидаларни зиёрат қилиш ва туризм соҳасини ривожлантиришда хавфсизликни таъминлаш борасида Миллий гвардиянинг муҳим ўрни ва унда инновацион технологиялардан, жумладан, дрон ва антидронлардан самарали фойдаланиш, махсус бўлинмалар ўртасида машғулотлар ва тренинглар ташкил этиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлаш борасида тажриба алмашиш каби масалалар муҳокама қилинди.

ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Учрашув келгусидаги ҳамкорлик учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши таъкидланиб, дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда янада ривожлантириш бўйича келишувга эришилди.

Шундан сўнг, делегацияси аъзолари Миллий гвардия бўлинмаларида хизмат қилиб, ўз бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган сафдошларимиз хотирасига бағишланган ёдгорликка ҳурмат бажо келтиришди.

Ташриф давомида меҳмонлар Ситуацион марказ, Миллий гвардия Маънавият ва маърифат маркази, Ахборот хизмати, Болалар психологияси маркази, Миллий гвардия махсус батальони ҳамда Жамоат хавфсизлиги университети фаолияти билан танишишди.

Ишчан ва дўстона мулоқот руҳида бўлиб ўтган ташриф давомида ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид қатор масалалар белгилаб олинди.

Тадбир давомида меҳмонлар пойтахтимизнинг фахри бўлган Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, аجدодларимизнинг бой тарихий мероси билан танишган бўлсалар, Ислом цивилизацияси марказига ташрифлари давомида давлатимиз раҳбари томонидан маънавият ва маърифат соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичидаги улкан ишлардан катта таассуротга эга бўлишди.

Жасур ШЕРМАТОВ,
Ахборот хизмати катта
офицери, майор



Ҳафта хабарлари

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ МУҲИМ ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди.

Бундан ташқари, Президентлар қуйидаги муҳим ҳужжатларни қабул қилдилар:

– Қирғиз Республикасининг 2027-2028 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзолигига номзоди юзасидан БМТга аъзо давлатларга мурожаат;

– Озарбайжон Республикасининг

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этиши тўғрисидаги қарор;

– Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси;

– Марказий Осиё хавфсизлигига хатарларнинг каталоги ва уларнинг олдини олиш бўйича 2026-2028 йилларга мўлжалланган чоралар.

СЕРДАР БЕРДИМУҲАМЕДОВ “ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Қўқсарой қароргоҳида Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти – “Олий Даражали Дўстлик” орденини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари нуфузли мукофотни топширар экан, ушбу қарор Туркменистон Президентининг икки қардош мамлакат ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашдаги ютуқларига нисбатан Ўзбекистон халқининг самимий ҳурмати ва эътирофининг ифодаси эканини таъкидлади.

Сердар Бердимухамедовнинг кўп қиррали Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларини кенгайтиришга қўшган ҳиссаси мамнуният билан қайд этилди. Мазкур мукофот мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничилик рамзига айланиши қайд этилди. Ўз навбатида, Туркменистон Президенти Ўзбекистон етакчиси ва халқига юксак эътироф учун миннатдорлик билдирди ҳамда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга интилиш қатъий эканини таъкидлади.

ОТБ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Шавкат Мирзиёев Осиё тараққиёт банки Президенти Масато Канда бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини амалга ошириш доирасида кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2026 йил май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган йиллик йиғилишига тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти бўлажак тадбир доирасида ОТБ билан Кенгайтирилган стратегик шериклик дастурини имзолаш, унда инфратузилмани ривожлантириш, техник ва муҳандислик кадрларини тайёрлаш, хотин-қизлар ва ёшларни янги касбларга ўқитиш, камбағалликни қисқартириш, ипотека бозори ва хусусий секторни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ташаббусини илгари сурди.

ОТБ Президенти Масато Канда мамлакатимиздаги кенг қўламли янгиланишлар натижаларини юксак баҳолади ҳамда Янги Ўзбекистонда ортга қайтмас тус олган ислохотлар дастурини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашишга тайёрлигини билдирди.



“ЯШИЛ МАКОН”: КУЗГИ МАВСУМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**СЎНГИ ЙИЛЛАРДА
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН
МАМЛАКАТИМИЗДА ЯШИЛ
ХУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ,
ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ
ЯХШИЛАШ ВА АҲОЛИ УЧУН
МУНОСИБ ЯШАШ МУҲИТИНИ
ЯРАТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛМОҚДА. “ЯШИЛ МАКОН”
УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ
ДОИРАСИДА ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДА
МАНЗАРАЛИ ҲАМДА МЕВАЛИ ДАРАХТ
КЎЧАТЛАРИНИ ЭКИШ ИШЛАРИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА.**

Шу муносабат билан Нукус шаҳрида ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги дарахт кўчатларини экиш ишларига расман старт берилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Аманбай Оринбаев сўзга чиқиб, юртимиз фаровонлиги, атроф-муҳит мусавватлигини таъминлаш ҳамда яшил ҳудудларни барпо этишда ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши зарурлигини таъкидлади. Табиатни асраш ва обод масканларни кўпайтириш – бугунги



куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлигини эслатди.

Тадбирда Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби, идора-ташкilot раҳбарлари, фаол ёшлар, нуронийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Жорий йилги кузги мавсумда 8 миллион 781 минг дона манзарали ва меваги дарахт кўчатларини экиш, шунингдек Нукус шаҳри ва туман марказларида жами 19 гектар майдонда “Яшил жамоат боғлари”ни ташкил этиш режалаштирилган. Бу тадбирларни юқори савияда амалга ошириш мақсадида кўчатхоналарда 10 миллиондан ортиқ ниҳол етиштирилмоқда.

Тадбир якунида тайёрланган ер майдонларига эзгу ниятлар билан кўчатлар ўтказилиб, лойиҳа доирасидаги экологик савий-ҳаракатларга амалий ҳисса қўшилди.

“ВАТАНИМ, БАЙРОҒИМ — ШОНУ ШУҲРАТИМ!”

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганнинг 34 йиллиги муносабати билан Миллий гвардия Бухоро вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти Кенгаши ҳамкорлигида “Ватаним, байроғим – шону шухратим!” мавзусида тадбир ташкил этилди.

Унда халқаро тоифадаги спикер, фалсафа фанлари доктори, профессор, ижтимоий психолог, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жамила Шермухамедова иштирок этди. У ўз маърузасида давлат байроғининг қабул қилиниш тарихи, байроқ ранги ва ундаги ҳар бир рамзнинг маънавий-символик мазмунини ҳақида атрафлича маълумот берди.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчиларга давлат рамзларини ардоқлаш, уларнинг тарихий аҳамиятини англаш ва Ватанга садоқат руҳини юксалтиришга қаратилган тушунчалар берилди.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар билан ватанпарварлик туйғусини кучайтирувчи, жамоавий жипслик, ўзаро бирдамлик ва ҳарбий биродарлик руҳини мустаҳкамловчи турли интерактив тренинглар ва машғулотлар ҳам ўтказилди. Ушбу тренинглар орқали иштирокчиларда масъулият, интизом ва жамоа билан ишлаш кўникмаларини янада ривожлантириш мақсад қилинди.



“РАНГЛАРДА АКС ЭТГАН ВАТАН БАЙРОҒИ!”

Миллий гвардия Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари ўртасида “Рангларда акс этган Ватан байроғи” мавзусида расмлар танлови ташкил этилди.

Тадбирнинг асосий мақсади ёш авлод онгида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятлар ва давлат рамзларига ҳурмат туйғуларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг бадиий-эстетик дидини ривожлантиришдан иборат бўлди.

Танловда иштирокчилар ўз ижодий ишлари орқали Ўзбекистон байроғининг рамзий маъносини, Ватан равнақи ва тинчлиги ғояларини ранглар орқали ифода этдилар. Ҳар бир расмда ёшларнинг Ватанга бўлган меҳри, ифтихори ва эзгу орзулари акс этди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

**МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА
БОШҚАРМАСИ ШАХСИЙ ТАРКИБИ
БИЛАН “ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ
ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗARO
ҲАМКОРЛИГИ” МАВЗУСИДА
НАВБАТДАГИ МАЪНАВИЙ-
МАЪРИФИЙ ТАЙЁРГАРЛИК
МАШҒУЛОТИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Машғулоти давомида ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистоннинг БМТ, ШҲТ, МДҲ, ИҲТ, ТДТ, ОТС, ЕҲХТ каби нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан олиб бораётган самарали ҳамкорлик йўналишлари, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва бу ҳамкорликларнинг мамлакатимиз манфаатларига хизмат қилувчи муҳим жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди.



Тадбирда шахсий таркибга халқаро майдондаги фаол дипломатик алоқалар Ўзбекистоннинг ички барқарорлиги, миллий хавфсизлик тизими тақомили, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ислохотлар барқарорлигида муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, бу жараёнлар ҳарбий хизматчиларнинг касбий масъулияти, сиёсий онги ва дунёқарашини янада юксалтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Машғулоти якунида ҳарбий хизматчилар билан мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказилиб, халқаро муносабатлар соҳасидаги долзарб жараёнларни тўғри талқин қилиш, таҳлил қилиш ва уларни касбий фаолиятда қўллаш бўйича қўшимча тавсиялар берилди.



Миллий гвардия Фарғона вилояти бўйича бошқармаси тасарруфидаги 82318-гарнизон ҳарбий қисмида ҳарбий хизматчилар учун “Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги” мавзусида

маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотни ташкил этилди.

Машғулотнинг дастлабки қисмида шахсий таркибга жаҳонда, минтақа ва мамлакатимизда кечаётган ҳарбий-сиёсий жараёнлар ҳақида тезкор ахборотлар

ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИК МУҲИМ МАСАЛА

етказилиб, глобал хавфсизлик билан боғлиқ долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бундан мақсад — ҳарбий хизматчиларнинг сиёсий онги ва дунёқарашини кенгайтириш, воқеаларга нисбатан реалистик ва таҳлилий ёндашувни шакллантиришдан иборат. Сўнгра асосий мавзу бўйича маъруза ўқилиб, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар,

амалга оширилган йирик лойиҳалар, минтақавий барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликка қаратилган ташаббуслар ҳақида шахсий таркибга атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган истиқболли йўналишлар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Машғулот якунида ҳарбий хизматчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Ўзаро мулоқот жараёнида иштирокчилар халқаро муносабатлар соҳасидаги долзарб ўзгаришлар ва Ўзбекистоннинг иштирокига оид қатор тушунчаларни янада чуқурроқ англаб олдилар.



СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГ — ЮГУР!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ, ВИЛОЯТ СПОРТ БОШҚАРМАСИ, ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ, МИЛЛИЙ ГВАРДИЯНИНГ ВИЛОЯТ БЎЙИЧА БОШҚАРМАСИ ҲАМДА “INDORAMA” ТАШКИЛОТИ ҲАМКОРЛИГИДА ГУЛИСТОН ШАҲРИДА МАРАФОН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. МАРАФОН “INDORAMA” ТАШКИЛОТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗИЛИБ, УНДА ТУРЛИ ЁШДАГИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда ҳаваскор югурувчилар, профессионал спортчилар, шунингдек, имконияти чекланган шахслар учун алоҳида йўналишлар бўйича беллашувлар ўтказилди. 800 нафардан ортиқ иштирокчи 1, 3 ва 5 километр масофаларда югуриб, ўз куч ва чидамлиликларини синовдан ўтказдилар. Эътиборлиси, хорижий давлат фуқаролари ҳам қатнашишди.

Мусобақа якунларига кўра, ҳар бир йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, “Indorama” ташкилоти ва ҳамкор идоралар томонидан фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний фаолликни оширишга қаратилган муҳим қадам сифатида эътироф этилди.

МЕН ТОПҚИРМАН!

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА БОШҚАРМАСИ ПСИХОЛОГЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН “МЕН ТОПҚИР” ДЕБ НОМЛАНГАН НАВБАТДАГИ ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ.

Унинг асосий мақсади — гвардиячиларда диққатни жамлаш, вазиятни тез баҳолаш, мантикий хулоса чиқара олиш, кузатувчанлик ва ақлий эпчиликни ривожлантиришга хизмат қилиши бўлди. Машғулотлар давомида иштирокчиларга махсус тайёрланган амалий вазифалар, интерактив фикрлаш ўйинлари ва жамоавий топшириқлар тақдим этилди.

Бу машқлар ҳарбий хизматчиларнинг руҳий барқарорлигини мустаҳкамлаш, стрессли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини ошириш, қийин шароитларда ҳам ўз ҳис-туйғуларини бошқара олиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилди.

Тренинг жараёнида ҳарбийлар ўзаро ҳамкорликда ишлаш, жамоавий масала ечиш, бир-



бирини қўллаб-қувватлаш каби кўникмаларни ҳам амалда синаб кўрдилар. Бу эса уларнинг хизмат давомида тезкор ҳаракат қилиш қобилиятини кучайтиришга, жамоадаги ўзаро ишонч ва бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Машғулотлар якунлангач, иштирокчилар психологлар билан очиқ мулоқот қилиб, тренинг давомида орттирган таассурот ва хулосаларини баҳам кўришди.

“Мозийга сафар”

Миллий гвардия Наманган вилояти бўйича бошқармаси томонидан муддатли ҳарбий хизматчиларнинг дам олиш кунларини мазмунли ва фойдали ўтказиш мақсадида Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейига экскурсия ташкил этилди.

Экскурсия давомида ҳарбий хизматчилар вилоятнинг қадимий ва бой тарихий мероси, ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзи билан яқиндан танишдилар. Музейда намоиш этилган археологик



топилмалар, этнографик буюмлар, миллий санъат асарлари, тарихий ҳужжатлар ва ўтмишга оид ноёб экспонатлар уларда катта тасаввур уйғотди.

Ҳар бир экспонат ортидаги тарихий ҳикоя ва унинг аҳамияти ҳақида музей ходимлари томонидан берилган батафсил маълумотлар ҳарбий хизматчиларнинг қизиқишини янада оширди. Экспонатлар орқали улар Ватанимиз тарихи, миллий қадриятларимиз ва маданий меросимизнинг қай даражада бой эканини яна бир бор ҳис этдилар.

Бундай экскурсиялар муддатли ҳарбий хизматчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, тарихий ўтмишни англашга бўлган қизиқишни ошириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Экскурсия якунида иштирокчилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, бундай саёҳатлар улар учун янги билим, кучли мотивация ва маънавий руҳ бағишлашини таъкидладилар.



(Давоми. Бошланиши
ўтган сонда.)

Алп Эр
Тўнга Туронда
мустақкамланиб олгач,
тур(к)лар юртига
доим тажовуз қилиб
турадиган Эронга қарши
кураш бошлади. Буюк
саркарда ўз душманлари
ва итоат этмаган
қабилаларга нисбатан
шафқатсиз ҳукмдор,
бироқ дўстлари ва ўз
фуқаросига нисбатан
сахий ва мард хоқон эди.
Алп Эр Тўнга айёрликни
билмайдиган тўғри
сўзли саркарда, содда
ва ишонувчан турк алпи
бўлган. У катта қўшин
билан Эрон устига ҳарбий
юриш қилади ва Эронни
забт этиб, бу ерда 12
йил подшоҳлик қилган.
Сўнгра Алп Эр Тўнга билан
эронликлар ўртасида сулҳ
тузилган. Баъзи манбаларда
ёзилишича, Эрон билан
Турон ўртасидаги чегара
Жайхун (Амударё) бўйлаб
белгиланган. Аслида,
Амударё орқали тарихий
Хуросон ва Мовароуннаҳр
худудлари ўзаро ажратилган.
Бу ҳолатни машҳур аллома
Абу Райхон Беруний ўзининг
“Қадимги халқлардан қолган
ёдгорликлар” асарида
қуйидагича тасвирлайди:

“Афросиёб Эроншаҳрни босиб
олиб, Табаристонда Минучеҳрни
қамал қилгач, Минучеҳр ундан
бир илтимос қилди. Афросиёб
унинг илтимосини қабул
этди ва Эроншаҳрдан бир ўқ
отими квадрат жойни ўзига
қайтарадиган бўлди...”

Беруний орадан қарийб 40
йил ўтгач ёзилган ўзининг бошқа
бир асари – “Қонуни Масъудий”
(1037)да бу фикрни шундай давом
эттирган: “Оришининг Манучеҳр
билан Афросиёб орасида сулҳ
қилиш учун ўқ отиши ҳам шу кунга
тўғри келган. Бу сулҳга кўра, ўқ
бориб етган жой Манучеҳрни
бўлар эмиш. Айтишларича, у Рўён
тоғидан отган, узоққа отилган шу
ўқ Фарғона ва Табаристон орасига
тушган”.

Алп Эр Тўнга билан сулҳ тузилгач,
ўз мустақиллигини қайта тиклаган
эронликлар сулҳ тузилган Тир Моҳ
(ўқ отилган ой)нинг ўн учинчи
куни – рўзи тир (ўқ отилган кун)
ни, ҳайит сифатида катта байрам
қилиб, ҳар йили анъанавий равишда
нишонлаб келганлар. Бу ҳақда ҳам
Беруний ўзининг ҳар иккала китобида
келтириб ўтган.

Турон билан Эрон ўртасидаги
қарама-қаршиликларнинг янги
босқичида Эронда ҳокимиятни қўлга
киритган Сиёвушнинг ўғли Кайхусрав
Туронга бостириб киради. Бу воқеа
тахминан мил. ав. 630 йили содир
бўлган. Турон хоқони Алп Эр Тўнга
билан куёви Сиёвушнинг ўғли Кайхусрав
ўртасида шиддатли жанглار кечган.
Хусусан, Ромитан атрофида қаттиқ
жанглар бўлиб, бу ерда икки йил турган
Кайхусрав Ромитан ҳисори рўпарасида
Ромуш қишлоғини курган. Кейинчалик
ўртада сулҳ тузилган. Маълум муддатдан
кейин жанг ҳаракатлари яна қайтадан
бошланган. Ҳар икки томон ўртасида
қақшатқич жанглар Турон ва Эрон
сарҳадларида бир неча марта бўлиб ўтади.
Тарихий маълумотларда келтирилишича,
Алп Эр Тўнга қўмондонлик қилган ана

шундай жангларнинг охиригиси
мил.ав. 626 йилнинг кеч кузида
Мидия (ҳозирги Озарбойжон ва
Эрон худудининг бир қисмида
бўлган қадимги давлат)да бўлиб
ўтган. Бу жанг туронликларнинг
ғалабаси билан тугайди. Жангдан
кейин сулҳ тузилиб, мағлублар
ғолиблар шарафига катта зиёфат
беради.

Бироқ Эрон шоҳи Кайхусрав
Алп Эр Тўнгани зиёфат
пайтида майга захар қўшиб
бериб ўлдиради. Турон хоқони
Алп Эр Тўнга ишонувчанлиги
ва соддадиллиги учун
эронийларнинг макр ва
ҳийласидан қурбон бўлди.
Хоқоннинг ухлаб ётган
лашкарбошилари ҳам тигдан
ўтказилган. Алп Эр Тўнганинг
ўлими Эронда тур(к)лар ёки
саклардан қутилиш куни
сифатида катта тантана қилинган.
Хуллас, Алп Эр Тўнга ва унинг
лашкарбошилари эронликлар
томонидан хоинларча ўлдирилгач,
хоқон қўшинининг тирик қолган
қисми Мидия, Анатолия, Эрон,
Турон худудларига тарқалиб
кетган. Уларнинг бир қисми
Шарқий Анатолиянинг тоғли
жойларига қочиб қутилдилар.
У замонларда бу ерларга келиб
ўрнашган сак турклари қарлуқ, ғур,
бижаноқ (печенег) уруғлари эди.

Алп Эр Тўнганинг жасади
унинг содиқ беклари ва йигитлари
томонидан Бухорога олиб келинган
ва шаҳардаги Маъбад дарвозаси
ёнидаги тепаликда дафн этилган.
Наршахий ўз асарида бу воқеаларни
қуйидагича тасвирлайди:
“Сиёвушнинг Кайхусрав номли
ўғли бўлиб, у отасининг қонини
талаб қилиб кўп лашкар билан бу
вилоятга келганида Афросиёб шу
Ромтин қишлоғини ҳисор қилиб
турган... Кайхусрав икки йилдан
кейин Афросиёбни тутиб ўлдирди.
Афросиёбнинг гўри Бухорода
Маъбад дарвозасида раҳматли Хожа
имом Абу Ҳафс Кабир тепалигига
туташган катта тепалик устидадир”.

Наршахий Алп Эр Тўнга билан
боғлиқ воқеаларни ўз китобида
тасвирлар экан, у аниқ бир санани
келтирмайди. Алп Эр Тўнга
(Афросиёб) шахси билан боғлиқ
воқеалар тасвирида тарихчи
томонидан бир неча марта ушбу
воқеаларга уч минг йилдан ошган,
деган бир хил жавоб келтирилади,
холос. Наршахий яшаб ўтган пайтдан
эса ҳозиргача минг йилдан ортиқ
вақт ўтди...

Алп Эр Тўнга Бухорода дафн
этилган жой тарихий манбаларда
узук-юлуқ кўрсатилса-да, у вақт
синовига бардош берди ва халқ
хотирасида абадий қолди. Орадан
асрлар ва минг йиллар бир-бирини
қувлаб кечди. Шарқнинг энг қўхна
шаҳарларидан бири Бухоро бир
неча марта турли ёғийлар қўлига
ўтди. Шаҳарнинг муқаддас жойлари
отлар туёғи остида топталди,
мозорлар бузиб ташланди. Авлодлар
алмашинуви билан қадриятлар ҳам
ўзгариб турди. Халқимизнинг диний
эътиқодлари ва урф-одатлари ҳам

ТУРОН ХОҚОНИ

алмашди. Тарихий номлар
ва шонлар ўзгарди. Бироқ
Бухорода Алп Эр Тўнга
ҳақидаги хотиралар тирик
тарих сифатида отадан
болага, ўғилдан неварога
ўтиб, у бугунги кунга ҳам етиб
келди. Бу хотираларда Алп
Эр Тўнга ўзбек халқининг энг
қадимги миллий қаҳрамони
эканлиги ва у Бухорода дафн
этилганлиги келтирилади.
Алп Эр Тўнга ҳақидаги
халқ қўшиқлари ҳамон хос
давраларда ўзгача янграйди.

Бухорога ислом дини
кириб келгандан кейин
буюк фикршунос олим,
ҳанафия мазҳабининг
Мовароуннаҳрдаги асосчиси,
Имом Бухорийнинг катта
замондоши ва устози Абу
Ҳафс Кабир Бухорий (767-
832) фаолияти туфайли
Бухоро “қуббатул ислом”, яъни
ислом динининг гумбази,
деб аталган. Наршахийнинг
ёзишича, Кабир Бухорий
вафот этганда Афросиёбнинг
гўри бўлган катта тепалик ва
Маъбад дарвозаси (бу номга
бир эътибор қаратинг-а!)
атрофига туташган бошқа
тепалик устида дафн
қилинган. Ўрта асрларда бу
жой Кабир Бухорий мақбараси
мавжудлиги боис бутун
ислом оламининг муқаддас
зиёратгоҳи саналган. Бухоройи
шарифдан бу тепаликка олиб
борувчи йўл Ҳақроҳ – Ҳақ йўли,
унга кирувчи дарвоза Дари
Ҳақроҳ – Ҳақ йўли дарвозаси
деб эъзозланган.

1949 йилда она шаҳрига
сўнгги бор ташриф буюрган
машҳур ёзувчи Садриддин
Айний (1878-1954) тарихий
қўлёзмалар асосида Бухорода
дафн этилган Афросиёб, Абу
Ҳафс Кабир Бухорий, Рудакий
ва бошқа улўғ зотларнинг
мозорлари ўрнини аниқлаган
экан. Бироқ Айнийнинг вафоти
билан бу тарихий жойларнинг
у аниқлаган ўрни яна
унутилди...

Хайриятки, 1991 йилдан
бошлаган мустақиллик насими
Бухорода ҳам шаҳар қиёфаси
ва муқаддас қадамжоларга
эътиборни тубдан ўзгартирди.
Афросиёб ва Кабир Бухорий
каби улўғ зотлар дафн этилган
Ҳазрати Имом қабристон
XXI аср бошларида қайта
ободонлаштирилди ҳамда
қўхна Бухорода тарихий
адолатни тиклаш ва қарор
топтириш жараёни бошланди.
Шаҳарнинг марказий
кўчаларидан бирига Афросиёб
номи берилди. Хуллас,
Афросиёб яна Бухорога ва
Ўзбекистонга қайта бошлади...

Давлатимиз раҳбари Ислам
Каримовнинг “Энг қадимги
миллий қаҳрамонларимиздан
бўлмиш Алп Эр Тўнга
(Афросиёб)” деган сўзлари

орқали тарихчилар олдига Турон давлати
ва унинг дастлабки ҳукмдори ҳақида
тарихий ҳақиқатни қарор топдириш
вазифасини қўйган эди. Бу дастурий
вазифалар ечими қуйидаги хулосаларга
олиб келди:

Биринчидан, Алп Эр Тўнга
(Афросиёб) тарихий шахс, бунинг
устига у энг қадимги миллий
қаҳрамонларимиздан бири. Алп Эр
Тўнга Турон давлатининг дастлабки
хоқони ҳисобланади.

Иккинчидан, Алп Эр Тўнга Бухорода
дафн этилган. Бухоронинг барпо
этилиши Алп Эр Тўнга тарихи билан
чамбарчас боғлиқ. Бухоронинг асрлар
ва минг йиллар қаърида қолиб кетган
сир-синаотларини очиш, қадим
тарихини ёритиш айна пайтда Алп
Эр Тўнга шахсиятини ўрганиш ҳам
демакдир.

Учинчидан, Бухоро нафақат
ҳозирги Ўзбекистон худудида, балки
бутун Шарқ минтақасида мўътабар
марказ бўлганлиги бу шаҳарнинг
жуда қадимийлиги ва қўхналигидан
далолат беради. Бухоро – Турон
давлатининг дастлабки бошкенти,
Алп Эр Тўнга нинг марказий шахри
бўлган. Шунинг учун ҳам буюк
хоқоннинг васиятига биноан,
у айнан ўзи асос солган Бухоро
тупроғида мангу қўним топган.

Хуллас, Алп Эр Тўнганинг
ўлими Турон давлати ва
туркий халқлар учун катта
йўқотиш бўлди. Бироқ саклар
ва бошқа туркий қавмлар ўз
давлатчиликларини Эрон ва
Мидияга қарши қақшатқич
курашда сақлаб қола олдилар.
Алп Эр Тўнга вафотидан кейин
сак-искитлар давлати бўлган
Туронни унинг ўғли (Алишер
Навоийнинг ёзишича, Аржасб)
бошқаради. Бу ҳақда машҳур
юнон тарихчиси Геродот ҳам ўз
асарида муҳим маълумотларни
келтиради.

Алп Эр Тўнгани ўз туркий
номи билан аташ – тикланиши
лозим бўлган тарихий
ҳақиқатнинг яна бир муҳим
нуктасидир. Чунки “Афросиёб”
– ўзга халқ томонидан унга
берилган ном ҳисобланади.
Тарихнинг сир-синаоти
шундаки, у кўпроқ Афросиёб
номи билан машҳур бўлган.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари
доктори, профессор





ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИКЛАР РАҚАМЛИ БЎЛАДИ



ёки интерактив симуляцияларни тавсия қилади. Бу эса ўқитиш жараёнини мақсадга йўналтирилган, аниқлик ва самарадорлик асосида олиб боришга ёрдам беради.

Замонавий ҳарбий тизимлар эндиликда фақатгина жисмоний куч ёки интизомга емас, балки рақамли фикрлаш, маълумотларни таҳлил қилиш, киберхавфсизлик ва дрон технологиялари билан ишлаш кўникмаларига ҳам таянади. Шу боис рақамли таълим ҳарбий хизматчиларда ахборот технологияларидан фойдалана олиш, муаммоларни тезкор ҳал қилиш ва янги техник воситаларга мослашиш салоҳиятини шакллантиради. Виртуал лабораториялар, онлайн симуляторлар ва рақамли тест тизимлари бу жараёни амалий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Рақамли ўқув инфратузилмаси ҳарбий академиялар ва ўқув марказларида харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Бино ва жиҳозлардан фойдаланиш, йўл-транспорт харажатлари қисқаради, ўқув курсларини бир вақтнинг ўзида минглаб курсантларга йеткизиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса таълим жараёнини оптималлаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳарбий соҳада рақамли таълимни жорий етишда ўзига хос муаммолар мавжуд. Енг муҳимларидан бири — бу махфийлик ва киберхавфсизлик масалалари. Ҳарбий ахборот тизимларида ишлатиладиган рақамли ўқув платформалари ҳимояланган тармоқларда фаолият юритиши, маълумотлар узатишда шифрлаш технологиялари қўлланилиши зарур. Шунингдек, ўқитувчилар ва инструкторларни янги технологиялар билан ишлашга ўргатиш ҳам стратегик аҳамиятга эга. Улар эндиликда нафақат маъруза ўқитувчи, балки йўналтирувчи, маслаҳатчи ва симуляция раҳбари ролини бажаришлари керак.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли таълим ҳарбий соҳада ҳам келажакнинг зарурий компоненти. У жанговар тайёргарликни рақамли симуляциялар орқали кучайтиради, билимларни тезкор янгилашга ёрдам беради ва ҳарбий хизматчиларнинг шахсий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини яратади. Бу нафақат технологияга, балки миллий хавфсизлик ва давлат муҳофаа салоҳиятининг мустаҳкамланишига киритилган сармоядир.

Абдушукур АБДУРАҲМОНОВ,
ЧДПУ катта ўқитувчиси



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

(21.11.2025 — 28.11.2025)



Қўй (21 март — 20 апрель)

Ушбу ҳафтада атрофингиздаги инсонлар билан тортишиб қолишингиз эҳтимоли жуда катта. Салбий ўзгаришлар шахсий ҳаётингизда ҳам кузатилиши мумкин. Аммо хавотирланишга ўрин йўқ. Ҳафтанинг иккинчи ярмига келиб, барчаси ўз ўрнига тушишни бошлайди.



Бузоқ (21 апрель — 20 май)

Яқинларингиз пул масаласига жиддий ёндашишингизни кўп такрорлашганми? Қўлингиздаги пулни фойдали соҳаларга сармоя сифатида киритишни маслаҳат берамиз. Юлдузлар мазкур ҳафтада пул масаласида омадингиз келишини башорат қилишган.



Эгизаклар (21 май — 21 июнь)

Кутилаётган ҳафта эгизак буржи вакиллари учун ўта позитив кайфиятда кечади, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, ҳафта давомида сизни чарчатиб қўйиши мумкин бўлган мураккаб ишларга қўл урмай туришни тавсия қиламиз. Пайшанба ва жума кунлари эса эҳтиёткор бўлинг, айнан мана шу кунларда сизга зарар етказишлари мумкин.



Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль)

Сизни хавотирга солмоқчи эмасмиз, аммо келгуси ҳафта сиз учун анчагина мураккаб кечиши башорат қилинган. Пайшанба кунига қадар асабларингиз таранг ҳолатда бўлади, сеvimли буюмларингизни харид қилиш ҳам, дўстлар билан суҳбатлашиш ҳам қалбингизга таскин бера олмайди. Дам олиш кунларига келибгина енгилликни ҳис қилишингиз мумкин.



Арслон (23 июль — 22 август)

Кутилаётган ҳафтани ишларингизни режалаштириб олиш, таҳлилий вазифалар ва жисмоний фаолликка сарфлашни маслаҳат берамиз. Юлдузлар бу ҳафтада атрофдагиларнинг таъсир доирасига тушмасликни маслаҳат беришмоқда. Йўқса, бошқаларга яхшилик қилиш умидида ўзингизга зарар етказишингиз мумкин.



Сунбула (23 август — 23 сентябрь)

Ҳафта давомида шахсий муносабатлар масаласи билан банд бўласиз. Жуфтингизга бўлган ишончингиз мустаҳкамланади. Тез орада у билан саёҳатга чиқишингиз ҳам мумкин. Ушбу ҳафта ижодий ишлар билан шуғулланиш учун аynи муддао.



Тарози (24 сентябрь — 23 октябрь)

Мазкур ҳафтани жисмоний ва руҳий саломатлигингизни қайта тиклашга сарф этишингиз ўринли бўлади. Айни вақтда ақлий чарчоқ туфайли мақсадларингиз томон олға қадам ташлашга куч тополмаяпсиз, бунга эса зудлик билан барҳам бериш лозим.



Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)

Ҳафтанинг биринчи ярмида қобилиятингизни атрофдагиларга намён этишга ва ўз имкониятларингизни кўрсатишга ҳаракат қилишингиз керак. Бунинг натижасида янги ҳамкорларнинг назарига тушасиз, касбий фаолиятингизда ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Муҳими, мақсадингиз учун курашишдан тўхтаб қолманг.



Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь)

Юлдузлар бу ҳафтада зиммангизга юклатилган барча вазифаларга ўзгача маъсулият билан ёндашишингиз, бунинг эса раҳбарият томонидан кераклича баҳоланишини башорат қилган. Атрофдагиларнинг гап-сўзларига эътибор берманг, шунчаки ўзингизнинг устингизда ишлаш ва шахсий ривожланиш билан банд бўлинг.



Тоғ эчкиси (22 декабрь — 20 январь)

Кутилаётган ҳафтада ажойиб натижаларни қайд этасиз, яхши кайфият доимий ҳамроҳингиз бўлади. Чоршанба кuni кичик муаммо билан тўқнаш келиб қолишингиз мумкин, бу ҳолатда сиздан сабрли бўлиш талаб этилади. Акс ҳолда ҳафтанинг қолган ярмини нотинч ҳолатда ўтказасиз.



Қовға (21 январь — 18 февраль)

Ушбу ҳафта йирик харидларни амалга ошириш учун аynи муддао. Сешанба ва чоршанба кунлари пул масаласида омадингиз кулиб боқади. Дам олиш кунларини эса яқинларингиз даврасида ўтказишингиз кутилмоқда.



Балиқ (19 февраль — 20 март)

Кутилаётган ҳафтада ижодий ишлар ва янгиликларга қўл урасиз. Бу эса, ўз навбатида, кундалик ҳаётингизнинг яхши томонга ўзгаришига сабаб бўлади. Юлдузлар ҳафтанинг охири кунларига келиб, янгиликлардан шошиб қолишингиз мумкинлигини башорат қилишган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ
ГВАРДИЯСИ ТЎҒРИСИДА

**20-модда. Миллий гвардия ҳарбий
хизматчиларининг (ходимларининг)
қасамёди**

Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) кираётганда ҳарбий хизматчилар (ходимлар) қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

«Мен (фамилияси, исми, отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига ҳарбий хизматга (хизматга) кираман, Ўзбекистон халқи ва Ўзбекистон Республикаси Президентига садоқатли бўлишга, Ватанга қасамёдга, Жанговар Байроққа содиқ қолишга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини, ўз хизмат бурчимни сўзсиз ҳамда виждонан бажаришга, ҳар қандай шароитда хиёнат ва сотқинлик қилмасликка, ўзимнинг жанговар шайлигим учун шахсан жавобгар бўлишга, мардлик ва фидокорлик билан, ўз ҳаётимни аямасдан халқ ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қасамёд қиламан».



**21-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий
хизматчиларини (ходимларини) тайёрлаш, қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**

Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мажбурий тартибда махсус касбий тайёргарликдан ёки қайта тайёргарликдан ўтади.

Миллий гвардия учун профессионал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) малакасини ошириш Миллий гвардиянинг таълим муассасалари, ҳарбий таълим муассасалари, шунингдек бошқа таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

Миллий гвардиянинг таълим муассасалари тингловчилари ва курсантлари Миллий гвардияда ҳарбий хизматда (хизматда) деб ҳисобланади, бундан чет эллик фуқаролар мустасно.

Жараён

**“КЕКСАЛАР УЧУН
ТУРИЗМ ОЙЛИГИ”**

Миллий гвардия Жиззах вилояти бўйича бошқармасида “Кексалар учун туризм ойлиги” муносабати билан очиқ эшиклар куни тадбири ташкил этилди. Тадбир Миллий гвардия бошқармаси, Жиззах ҳарбий прокуратураси ҳамда “Нуронийлар” жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилди.



Ушбу эзгу мақсад йўлида ташкил этилган учрашувда Миллий гвардия фахрийлари ва вилоятдаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фахрий ходимлари иштирок этди.

Тадбир аввалида фахрийлар юрт тинчлиги йўлида фидокорона хизмат қилиб, Ватанимиз равнақи учун жонини фидо қилган ҳарбий хизматчилар хотирасига бағишлаб барпо этилган “Хотира хиёбони”га гул қўйдилар. Улар марҳумларга ҳурмат бажо келтириб, ўз ҳаётини халқ фаровонлигига бағишлаган мард ўғлонларни эсладилар.

Шундан сўнг меҳмонлар замонавий жиҳозланган кутубхона, ёш ҳарбий хизматчилар учун яратилган қулай ва кенг ўқув синфлари билан яқиндан таништирилди. Фахрийлар бугунги кунда Миллий гвардия тизимида яратилган шарт-шароитларни юксак баҳолаб, ёшлар билан самимий суҳбат ўтказдилар. Ёшларга Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш, садоқат ва матонат билан хизмат қилиш бўйича ўзларининг ҳаётий тажрибаларига асосланган қимматли насиҳатларини бердилар.

Мазкур тадбир нафақат фахрийлар учун ҳурмат-эҳтиром ифодаси бўлди, балки ёш авлоднинг ҳарбий хизматга бўлган масъулияти ва садоқатини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Рустамжон АБДУСАТТОРОВ,
Миллий гвардия Жиззах вилояти бўйича
бошқармаси Тарбиявий ва мафкуравий ишлар
бўлими бошлиғи, капитан



Ижтимоий-ҳуқуқий ва
маърифий газета

МУАССИС:
“GVARDIYA”
масъулияти чекланган
жамияти

Ҳамкоримиз:
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси.

Таҳририят кенгаши:
полковник С.Д.Мамаюсупов
полковник З.Алимов
полковник И.Турғунов
полковник И.Маҳмудов
подполковник Б.Зокиров
подполковник Б.Қосимов
майор Ж.Шерматов
капитан Э.Шираева
капитан С.Улуғбеков

Бош муҳаррир
Чорихон ҚОСИМОВ

Масъул муҳаррир Р.Гуччиев
Адабий муҳаррир Н.Убайдуллаев
Саҳифаловчи А.Маликов

Газета Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигида
2020 йил 2 июнда 1069 рақам
билан рўйхатга олинган.

“GVARDIYA” газетаси ва
“O‘ZBEKISTON GVARDIYASI”
журнали бирлашган
таҳририятида саҳифаланди.

Таҳририят манзили:
100000, Тошкент шаҳри
Чилонзор тумани Бунёдкор
кўчаси 42-уй.
Телефонлар:
(99) 537-27-77,
(90) 991-45-35

Босмаҳонага 2025 йил
20 ноябрь 13⁰⁰ да топширилди.
Бичими А-3. Ҳажми 2 босма
табоқ. Адади 4200 нусха.
Буюртма № 76

Баҳоси келишилган нарҳда.

**Газета жума куни
чоп этилади.**

Газетадаги мақолалардан тўлиқ
ёки қисман фойдаланилганда
“GVARDIYA” газетасидан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.


Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқ қилиши
мумкин.

Обуна индекси: 125
ISSN: 3093-8872

“OLTIN-NASHR” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.
Корхона манзили:

Тошкент ш, Бунёдкор кўчаси, 42.
Тел.: 97-735-11-88

**БўЛАЖАК
ҲИМОЯЧИЛАР**



Бугунги кунда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги фаолиятнинг янада самарали ва изчил бўлишига мустаҳкам замин яратди.

Хусусан, ҳудудларда мактаб ўқувчиларининг ҳарбийлик касбига қизиқишини ошириш, уларда Ватанга садоқат, масъулият ва фахр туйғуларини шакллантириш мақсадида ҳарбий ўқув юртларига танишув саёҳатлари, очиқ эшиклар кунлари ва амалий машғулотлар ташкил этилмоқда. Бу эса мазкур қарор ижросини таъминлашда муҳим босқич бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳридаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида бўлиб ўтди. Унда Чилонзор туманидаги 173-сонли умумтаълим мактабининг 8-“А” синф ўқувчилари иштирок этди.

Тадбир жараёнида лицей маъмурияти, ўқитувчилари ва ўқувчилари томонидан меҳмонлар учун қизиқарли ва фойдали бўлган бир қатор амалий ва назарий машғулотлар намоиш этилди. Жумладан, ўқувчи ёшлар электрон отиш хоналарида махсус куролларни ишлатиб кўриш, АК автоматини қисмларга ажратиш ва уни йиғиш бўйича амалий машқларни бажариш имконига эга бўлдилар.

Бундай тадбирлар ёшларнинг ҳарбий соҳасига бўлган қизиқишини кучайтиради, уларда Ватан муҳаббат, масъулият ва фахр туйғусини оширади. Зеро, бу юртнинг ҳар бир ўғлони ўзини Ватан ҳимояси учун муҳим шахс сифатида ҳис қилишни бошлаши билан унинг эртанги кунига тайёргарлиги ҳам мустаҳкамланади.

Бекназар ИСМОИЛОВ